



# ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 43 (9279)

1988 йил 1 март • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

## ДЕҲҚОН БАҲОРИ БОШЛАНДИ



ТОШКЕНТ районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йилгига» колхози деҳқонлари эртаги сабабот, картошка экинлари экинни қизғин бошлаб юбордилар. Бу бора-

да ҳўжалининг Тўйчибой Имомов бошлиқ бригадаси пешқадамлик қилипти. Ҳозиргача бригадда 4,5 гектар ерга плевна остига қарама қўчатлари ўтказилди.



Умуман, бу йил бригадда 40 гектар ерда эртаги сабабот, картошка ва резаворлар етиштирилади. Суратларда: (чапдан) илгор сабаботкорлар Бўрибой Шомухамедов ва Инобат Соатова; эртаги қарама экинган даладар; ҳўжалининг илгор бригада бошлиғи Мансур Тиллаев. А. ЗУФАРОВ фотолари.

## МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА БАЙРОҚ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Иваново, Владимир, Новгород, Тюмень областларига оталиқ ёрдами бераётган курилиш ташкилотлари коллективларининг 1987 йил IV кварталдаги социалистик мусобақаси якунларини қўриб чиқдилар.

## Халқ хўжалиги раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини қайта қуриш тўғрисида

Илгари хабар қилинганидек, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Халқ хўжалиги раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини қайта қуриш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети шуни қайд этишдики, 1987 йил январь ва июнь Пленумлари ишлаб чиққан қайта қуриш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлини амалга ошириш халқ хўжалигининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларидан юксак даражадаги билим-донлиқни, иқодий ташаббускорликни, замонавий иқтисодий тафаккурни, хўжалик юрйтишининг янги усуллари, тўла хўжалик ҳисоби ҳамда жамият турмушининг барча соҳаларини демократиялаш шароитида ишлаш кўникмаларини эгаллаб олишларини тақозо этади.

Фан-техника революцияси, экономикани бошқариш тубдан қайта қуриш ҳақида меҳнатқашларни узлуқсиз ўқитиб-ўргатиш бир лашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ҳар бир меҳнат коллективи самарали фаолиятини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу билан бир вақтда, деб таъкидланади қарорда, мамлакатда, бу ишнинг аҳволи, раҳбар ходимлар ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасидаги мавжуд ўқув юртилари (булималари) тармоғи ўз қўламлиги жиҳатидан ҳам, таълим бериш сифати жиҳатидан ҳам халқ хўжалигининг раҳбар ходимлари профессионал билимларини оператив равишда янгилаш борасидаги охиб кетган талабларини қондирмапти.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, экономикани бошқариш тубдан ислоҳ қилиш, замонавий кадрлар сўбатини турмушга жорий этиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун халқ хўжалиги кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини тубдан қайта қуриш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш ягона давлат системасини янги асосда вужудга келтириш юзасидан конкрет тадбирларни қўриш — ўн иккинчи беш йилликда кадрлар вақти-вақти билан ўқитишдан муттасил ўқитишга ўтиш мажбуриятини юқландилар. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув юртилари ҳамда булималарининг ҳаракатчан ва эълчил тармоғини вужудга келтириш, бевосита корхоналар ва ташкилотларда узлуқсиз ишлаб чиқариш-иқтисодий таълимнинг турли формаларини ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шу маъсадда олий ва ўрта махсус ўқув юртиларининг потенциалдан тўла-тўқис фойдаланиш лозим бўлади.

Министрликлар ва идораларнинг бирлашмалар, корхоналар ташкилотлар, муассасалар, совхозлар ва колхозларнинг раҳбарлари зиммасига ходимлар малакасини муттасил ошириб бориш

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

26 февраль куни КПСС Марказий Комитетидида идеология идораларининг, оммавий ахборот воситаларининг ва академия иқтисодий фанлар институтларининг раҳбарлари билан кенгаш бўлиб ўтди. Бу кенгаш КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Революцион қайта қуришга — янгиликни идеологияга» деган нутқи асосида идеология ишнинг вазифаларига бағишланди.

Кенгаш қатнашчилари ҳузурда КПСС Марказий Комитети Сўбатининг бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Яковлев нутқ сўзлаб, қайта қуриш янги босқичининг бошланғич кўпдан-кўп янги масалаларни ўртага қўйганини, одат бўлмаган кўпгина ишларини юзага келтираётганини, бу масалаларни иқодий ҳал этишни, уларга ошқора психология билан конкрет ёндашишни, кундалик ишларда асосий мақсад туғғусини унутиб қўймаслиқни талаб қилаётганини таъкидлади.

Шу сабабли ҳам М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзусидаги докладиди, КПСС Марказий Комитетининг февраль пленумидаги нутқида тарих ва ҳозирги замон, жамиятимизда моддий ва маънавий ишарафларнинг, идеология иши билан тарбиянинг боғлиқлиги, ички ва халқор ишларнинг диалектикмаси мавзулари қўйилди ва шу мавзулар аўр куч билан янгради.

Кенгаш қатнашчиларининг бутун диққат-эътибори аввало пленум қарорларидан келиб чиқадиган амалий вазифаларга — ҳам ўрта ва олий мактабни қайта қуриш, бутун маориф комплексини ривожлантириш масалаларига оид, ҳам умуман қайта қуриш, янги идеологияни янгилаш таъминлаш масалаларига оид вазифаларга қаратилди.

Марказий Комитет пленуми арафасида мактаб муаммолари ҳусусида ўтказилган кенг миқёсдаги иқтисодий мунозараларда оммавий ахборот воситалари қатнашган бўлиб қайд этилди. Бу иқодий таърибани ҳозир жамиятимизни тўқилантириб турган энг муҳим муаммоларга қайта қуришда коллективнинг роли ва конкрет шахсининг ўрни, туб иқтисодий ислохотини амалга оширишнинг демократиялаш жараёнининг ҳаққини бориши, жоиларда ташаббус ва масъулиятини имкони борича қучайтириш, ҳамма тарафда тайёрлаш аёвлиқликни бартаф этиш йўллари ҳусусидаги мунозараларга ҳам татбиқ этса арияди.

Қайта қуришда инсоннинг ҳал қилувчи аҳамияти таъ-

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

27 февраль куни йигирманчи қақриқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг туртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия бошланғич олдидан Совет партия группасининг мажлиси бўлди. Мажлиси Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов олиб борди.

Партия группаси сессиянинг кун тартиби масаласини қўриб чиқди ҳамда область ички ишлар бошқармаси бошлиғи коммунист депутат Р. Р. Саидбоевнинг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, граждандарнинг ҳуқуқлари ва қонуний мафбатларини ҳимоя қилишни қучайтириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши мавзусидаги ҳисоботини тинглади.

Партия группаси мажлисида халқ депутатлари област Советининг депутатлари Эивалли махсус темир-бетон конструкциялари комбинати бригадаси бошлиғи С. Ф. Демченко, Ўзбекистон металлургия заводининг цех бошлиғи Б. Г. Безносос, область партия комитети маъмурий органлар бўлими мудири В. И. Яковлев сўзга чиқдилар.

Муҳонама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Область Совети секретари бегоб бўлганлиги муносабати билан Чирчиқ шаҳридаги 75-Молодёжный сайлов округидан депутат С. П. Баженова йигирманчи қақриқ туртинчи сессиянинг секретари қилиб сайланди.

Сессияда мандат комиссиясининг янги сайланган депутатлар ваколатини эътироф қилиш бўйича докладди тинглади.

Депутатлар Тошкент областининг 2000 йилгача мўлқалланган уй-жой программасини ҳал этишни тезлаштиришнинг асосий йўналишлари ва чораларини муҳонама қилдилар.

Область Совети иқроия комитетининг раиси П. М. Абдурахмонов шу масалада сўзга чиқди.

Музокараларда депутатлардан Ангрен шаҳарозлик бошқармасининг сувоқчил бригадаси бошлиғи Л. Н. Панкратова, Янгийўл шаҳар Совети иқроия комитетининг раиси М. Мўйдинов, Тўйтападаги металл конструкциялари заводининг директори Н. П. Гайду, Олмалик шаҳридаги 345-механизациялашган кўчма колонанинг нормаловчиси З. С. Айтқулова, Бекобод

район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Ж. Шарипов, Ғалаба районидидаги 34-мактаб ўқитувчиси Ф. А. Жалеп, Калинин районидидаги 125-ихтисослашган механизациялашган кўчма колонна бошлиғи У. Г. Ян-Борисов, Бекобод шаҳридаги «Ўзбекметаллургия» трестининг меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Л. М. Хлинова, Чирчиқ шаҳар Совети иқроия комитетининг раиси Н. Ф. Шарипов, Оҳангарондаги «Сантехлит» заводининг директори А. С. Смагулов, область агроанот комитети раисининг биринчи ўринбосари Р. Нурматов, Илчиқ номидидаги паррандачилик ишлаб чиқариш биравманинг бош директори Т. О. Ортоқов, сабаботчилик полизчилик ва картошканилик илмий-таққот институти директори А. И. Нуриддинов, область Совети иқроия комитети раисининг ўринбосари В. И. Колибердия, Паркент район Совети иқроия комитетининг раиси Х. Шарафиддинов, иштирок этиди.

Шунингдек, сессияда область Советининг депутатлари Т. И. Девзорова билан Ю. Умаровларнинг ахборотлари тинглади. Мандат комиссияси раисининг ўринбосари Ю. Н. Белонов шу масала юзасидан сўзга чиқди.

Сессия давомида депутатлардан тушган саволларга область Совети иқроия комитетининг раиси П. М. Абдурахмонов жавоб берди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов сессияда нутқ сўзлади.

Депутатлар област Совети иқроия комитетининг «Халқ депутатлари област Совети иқроия комитетининг ишлаб чиқариш-экономика бош бошқармасини тузиш тўғрисида»ги қарорини таъкидладилар.

Сессияда, шунингдек, область суди составидаги айрим ўзгаришлар масаласи ҳам қўриб чиқилди.

Сессия иши давомида 2 та депутатлик сўрови тушди. Область Советининг депутатлари 72-Лихачев сайлов округидан Т. М. Махмудов ва 297-Заркент сайлов округидан Г. Г. Логачевларнинг бу сўровларига область агроанот комитети раисининг биринчи ўринбосари Р. Нурматов жавоб берди.

Муҳонама этилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко иштирок этди.

## ВETERАНЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИ ВА БИЛИМЛАРИ—АГРОСАНОТ КОМПЛЕКСИГА

Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг барча қишлоқ ветеранлари ташкилотларига, республика қишлоқ хўжалигининг ҳамма ветеранларига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ўртоқлар! Биз сизларга, республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришига катта ҳисса қўйган кекса гвардияга мурожаат этаймиз. Сизлар жамиятининг социалистик тарзда ўзгариши учун курашининг гоат катта тажрибасига эга сизлар. Бу бебаҳо тажриба қайта қуриш ўзининг ҳал қилувчи босқичига кирган, ҳали эҳтиёткор, сўстхак, турғунлик илғитга учраган қишлоқ ани шу қайта қуришдан четда турган ҳозирги пайтда зарурдир.

Ҳар бир хўжаликда алмашлаб экиннинг илмий асосланган схемаларига қатъий риоя этилиши учун сизларнинг омилкорлигингиз ва ўткир нигоҳингиз даркор.

Қолоқ хўжаликларга, бригадаларга, зевеларга оталиқ ёрдамнинг забехо бўлади. Эзгу махсатингиз ва кўлмагингиз ҳозирги пайтда қолоқларнинг эртага пешқадим бўлиб қоллишларига имкон беради.

Антимеханизаторлик қийратларига, бўшангликка, инициозсимликка қатъий қарши курашингиз — фақат комплекс механизацияни республика қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш йўлига олиб чиқади.

Хўжалик ҳисобини, бригада пуарети, оила ва ижара пудратларини жорий этишда хўжаликларга ёрдам берингиз.

Сизларнинг билимингиз ва орттирган

тажрибангиз ёшларга жуда зарур — ёшларни жамиятга иқноятда керак бўлган деҳқон ва чорвадорнинг қиёни, лекин оқибатда меҳнатига ўргатиш учун улар хўзурига борингиз.

Сизларнинг ўринингиз — жамиятимизда ҳали ҳам мавжуд бўлган бюрократизмга, масъулиятсизликка, коммунистик меналикка, бағришосликка қарши курашининг олдинги маррасидаки қишлоқ меҳнатчилари, айниқса хотин-қизлар учун яқин меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш тўғрисида чинакак оталарча гамхўрлик қилингиз.

Текширишларга чиққан ветеранларнинг бригадалари виждонсизлик, коллектив ишларини писанд қилмаслик, исрофгарчилик ва хўжасизлик, қўшиб ёзш ва кўб-бўлмачилик каби қўришларга қарши чинакам курашчилар бўлиб қолсин.

Азиз ветеран ўртоқлар! Ҳозир сизнинг ўринингиз шу йилги, XIX Бутуниттифоқ йилги конференциясида ўтказилгандаги лийт ҳосили тақдирини ҳал бўладиган далададир.

Ветеранлар республика кенгаши кекса гвардия республикамизда агроанот комплексини ва унинг энг муҳим тармоғи — пахтачиликни янада ривожлантириш ишига қучайингиз учун куч ва гайратини, тажрибани бағишлайди, деб қатъий ишонч билдиради.

Ўзбекистон ССР Олий Советига СЛЙЛОВЛАР БЎИИЧА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ 1988 йил 28 февраль яқшабна куни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайловлар ўтказилди.

93-Калинин сайлов округи бўйича овоз беришда 12333 сайловчи ёки 99,97 проценти қатнашди.

Депутатликка номзод учун 12193 сайловчи ёки сайловда қатнашганларнинг 98,86 проценти овоз берди.

Шундай қилиб, 93-Калинин сайлов округидан 1911 йилда тутилган, КПСС аъзоси, Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер, республика уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг раиси Расул Ғудомов Ўзбекистон ССР Олий Совети, нинг депутати қилиб сайланди.

108-Келес сайлов округида эса овоз беришда 23437 сайловчи ёки 99,98 проценти қатнашди.

Депутатликка номзод учун 23426 сайловчи ёки сайловда қатнашганларнинг 99,95 проценти овоз берди.

Шундай қилиб, 108-Келес сайлов округидан 1926 йилда тутилган, КПСС аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленесининг раиси Одил Ёқубов Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

Ўрни бўшаган депутатлар ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Ангрендаги Тошкент область давлат педагогика институти облатимиз мактабларига малакали ўқитувчи кадрлар етказиб бериш илм даргоҳларидан биридир. Бу ерда студентларнинг пухта билим олишлари, дарсдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча қўлалиқлар яратиб берилмоқда.

Яқинда «Ўзбекшахтстрой» трести бунёдкорлари Ангрендаги область педагогика институти студентларига 2,5 миңг китоб фондида эга бўлган кутубхона, 200 ўринга мўлжалланган спорт зали, саргароҳона, кийим тозалаш хонаси, медицина пунктидан иборат иқтика 950 ўринли янги ётоқхона қуриб берилар.

Талабаларнинг бўш вақтларини қўнғилди ва маъмулий ўтказишлари учун ташкил этилган «Тенгшос», «Яқшабна кўни», «Қизилчилар» клублари ҳам иш бошлаб юбордилар.

Ҳ. ЭҒАМБЕРДИЕВ.





